

№ 01-11/1  
27.05.2021 йил.

**ТАСДИҚЛАЙМАН**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**“Ўзархив” агентлиги директори,**  
**Илмий кенгаш раиси**



У. М. Юсупов

2021 йил 27 май

**Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлиги ҳузуридаги**  
**Илмий кенгаш йиғилиши**  
**БАЁННОМАСИ**

2021 йил 27 май

Тошкент шаҳри

- Раислик қилувчи: - У. М. Юсупов “Ўзархив” агентлиги директори,  
Илмий кенгаш раиси
- Қатнашганлар: - Ш. Г. Садиков “Ўзархив” агентлиги директори  
ўринбосари, раис ўринбосари
- Илмий кенгаш аъзолари - А.Алиев, А.Файзуллаев, Д.Закирова, Б.Ахмедов,  
М.Мирзаахмедов, Д.Кучарова, М.Исакова, Д.Зияева,  
З.Рахмонкулова, А.Ишматов, Ш.Абдурахимова,  
А.Маҳкамов, Т.Мўминов, З.Сулаймонова
- Таклиф қилинганлар - А.Х.Абдуллаев, Ш.Хожибоев, Ш.Турсунбаев,  
Ш.Рахимов, М.Норкулов

**КУН ТАРТИБИ:**

**I. Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлиги ҳузуридаги Илмий кенгашнинг янги таркибини тасдиқлаш тўғрисида.**

**II. Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлиги ҳузуридаги Илмий кенгаш Низомини янги тахрирда тасдиқлаш тўғрисида.**

**III. Миллий архивларнинг илмий тадқиқот ишлари таҳлили.**

Кун тартибидаги масалалар бўйича берилган маълумотлар ва билдирилган фикр-мулоҳазалар муҳокамаси асосида **ҚАРОР ҚИЛИНДИ:**

**I. Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлиги ҳузуридаги Илмий кенгашнинг янги таркибини тасдиқлаш тўғрисида**

---

(У.Юсупов, Д.Зияева, Д. Кучарова, З.Рахмонкулова, Б.Ахмедов, У.Юсупов)

1. Илмий кенгаш йиғилишини “Ўзархив” агентлиги директори, Илмий кенгаш раиси У.Юсупов очиб бериб, йиғилиш иштирокчиларини кун тартибидаги масалалар билан таништириб ўтди.

Илмий кенгашнинг янги таркиби бўйича иштирокчиларга кенгаш раиси У.Юсупов томонидан рўйхат ўқиб эшиттирилди. Мазкур рўйхат асосида тузилган таркиб бўйича кенгаш иштирокчиларидан яна қўшимча вакиллар киритилиши юзасидан таклиф ва мулоҳазалар сўралди.

Йиғилишда мазкур таркиб бўйича эътироз йўқлиги, шу билан бирга, кенгаш аъзолари Д.Зияева, З.Рахмонкулова, Д.Кучарова ва Б.Ахмедов томонидан яна қўшимча илмий даражадаги номзодларнинг киритилиши юзасидан таклифлар берилиб, Илмий кенгашнинг мақоми кўтарилиши ва соҳада долзарб мавзулар асосидаги илмий ишларни муҳокамага киритилиши ҳамда тадқиқотчиларнинг янада самарали фаолият юритишларига асос яратилиши таъкидлаб ўтилди.

2. Илмий кенгаш аъзоларининг кенгаш таркибига таклиф этилган номзодлари тўғрисидаги ахборотлари **маълумот учун қабул қилинсин**, кенгаш таркибига қўшимча аъзоларнинг киритилиши тўғрисидаги таклифлари **маъқуллансин**.

## **II. Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлиги ҳузуридаги Илмий кенгаш Низомини янги таҳрирда тасдиқлаш тўғрисида**

(У.Юсупов, Д.Зияева, Д. Кучарова, З.Рахмонкулова, Б.Ахмедов, А.Файзуллаев, У.Юсупов)

3. Илмий кенгаш низоми лойиҳасини кенгаш раиси У.Юсупов кенгаш аъзоларига йиғилишда кўриб чиқиш ва уни тасдиқлаш бўйича фикр-мулоҳазаларини билдиришни сўради.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Тарих институтининг тарих фанлари доктори, Илмий кенгаш аъзоси Д.Зияева – Низом лойиҳасини кўриб чиқиб, лойиҳада “илмий ҳужжат”, “жамоавий тақриз”, “илмий маълумотнома аппарати”, “экспертиза” атамаларининг киритилганлиги, унинг асоси бўйича аниқлик киритиш лозимлиги хусусида тўхталиб ўтди. Шунингдек, Илмий кенгаш фаолияти даврида амалга ошириш зарур бўлган тадбирлар қаторида таклиф сифатида: мавзули каталогларни яратиш, йиллик режа тузиш ва шу асосида ишлар олиб бориш хусусида сўз юритди.

Тошкент шаҳар архив иши ҳудудий бошқармаси бошлиғи, Илмий кенгаш аъзоси Д.Кучарова – Низом лойиҳаси бўйича сўз юритиб, Илмий кенгашнинг олдинги йиллар фаолияти даврида Қоидалар (Положения) асосида иш юритилганлиги, бугунги кунда Низом ишлаб чиқилиб, кенгаш фаолиятини янада такомиллаштиришга қадам қўйилганлигини таъкидлаб ўтди. Шунингдек, Низом лойиҳасида берилган “илмий маълумотнома аппарати” ва “экспертиза” атамалари архив соҳасида мавжудлиги ҳамда қонунчиликда узоқ йиллардан бери қўлланилиб келинаётганлиги ҳақида тўхталиб ўтди. Шу билан бирга, келгусида Илмий кенгаш фаолиятида Миллий архивларнинг методик қўлланмалари, тавсия ва кўрсатмалари, соҳа илмий ходимларининг тадқиқот ишлари ҳамда соҳа тараққиётига оид номзодлик диссертацияларни тайёрланиши ва ҳимояга чиқишда муҳокама қилинишига эришиш лозимлиги таклифлари хусусида сўз юритди.

Ўзбекистон Миллий университети, Тарих факультети Манбашунослик ва архившунослик кафедраси мудир, Тарих фанлари номзоди доцент, Илмий кенгаш аъзоси З.Рахмонкулова – Низом лойиҳаси юқори савияда ишлаб чиқилганлиги,

унда кенгашнинг фаолияти ва вазифалари аниқ кўрсатиб берилганлиги, кенгашнинг келгуси ишлари учун яхши асос яратилганлиги ҳақида таъкидлаб ўтди. Шу билан бирга, Илмий кенгаш Олий ўқув юрти талаба-магистрлари, ўқитувчи ва мутахассислари билан кенг кўламда ҳамкорлик ишларини олиб бориши, кадрларни соҳага оид билимларини янада оширишга, Университетлар билан ҳамкорликда долзарб масалаларда номзодлик диссертацияларини ёқлашга замин яратилиши зарурлиги ҳақида ўз фикрларини билдириб ўтди.

Ўзбекистон Илмий-техника ва тиббиёт ҳужжатлари миллий архиви директори, Техника фанлари доктори доцент, Илмий кенгаш аъзоси Б.Ахмедов – Низом лойиҳасининг 10 ва 12-бандлари бўйича таҳририй кўриб чиқилиши, кенгаш фаолиятига кўшимчалар кўшилиши кераклиги ҳақида таъкидлаб ўтди. Шунингдек, кенгашни “Илмий техник кенгаш” деб номлаш, шу аснода унинг фаолияти, имкониятлари, ваколати ва вазифаларини яна кенгайтириш, бу бўйича муассасалар (Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, “ЎЗИнжиниринг” республика лойиҳа институти) хузурида Илмий техник кенгашлар фаолият юритаётганлиги, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 майдаги 285-сон қарорига мувофиқ “Ташкилотларда фаолият юритаётган илмий техник кенгаш Қоидалари” бунга асос бўлиши ҳақида ўз фикрларини билдириб ўтди.

“Ўзархив” агентлигининг Архив иши бўйича ташкилий-методик ишлар бўлими бошлиғи, Илмий кенгаш котиби А.Файзуллаев – Низом лойиҳаси бўйича кенгаш аъзолари томонидан билдирилган таклифларни инобатга олиб, киритилган атамаларни асослантирилиши, кенгаш вазифаларини ҳуқуқий жиҳатдан ўрганиб чиқилиши, лойиҳа матнини таҳририй қайта кўриб чиқилиши ҳақида таъкидлаб ўтди.

4. Илмий кенгаш раиси У.Юсупов билдирилган таклиф ва мулоҳазаларни эшитиб, Низом лойиҳаси бўйича таклифлар ўринли эканлиги, тегишли бандлар таҳририй кўриб чиқилишини таъкидлади. Шунингдек, Илмий кенгаш олдин ҳам шу номда бўлганлиги, ўз фаолиятини Қоидалар (Положения) асосида юритганлиги, Илмий кенгашнинг мазкур Низоми янги талаблар асосида ишлаб чиқилганлиги, бугунги кунда архив соҳасида илмий йўналишда кўплаб изланишлар олиб бориш долзарб масалага айланиб бораётганлиги, бу учун эса номзодлик ва докторлик диссертация ишларини ёқлашга махсус рақам (штрих код) олишга ҳаракат қилиш лозимлиги хусусида сўз юритди.

5. Илмий кенгаш Низом лойиҳаси юзасидан кенгаш аъзолари томонидан билдирилган таклифлари ва у тўғрисидаги ахборотлари **маълумот учун қабул қилинсин**, Низом лойиҳаси бўйича келиб тушган таклифлар асосида қайта кўриб чиқиш шарти билан **маъқуллансин**.

### **III. Миллий архивларнинг илмий тадқиқот ишлари таҳлили**

(У.Юсупов, Б.Ахмедов, М.Мирзаахмедов, А.Махкамов, З.Рахмонқулова, Д. Кучарова, А.Файзуллаев, У.Юсупов)

6. “Ўзархив” агентлиги директори У.Юсупов Ўзбекистон миллий архивларида илмий-тадқиқот ишларининг олиб борилиши ҳақида ахборотга эга бўлиш ҳамда Илмий кенгашда унинг таҳлилини юритиш мақсадида Агентлик тизимидаги Миллий архивлар раҳбарларига ҳисобот беришлари учун сўз берди.

Ўзбекистон Илмий-техника ва тиббиёт ҳужжатлари миллий архиви директори Б.Ахмедов ўз ҳисоботида: Архив соҳасининг муҳим йўналишларидан бири ҳужжатлардан фойдаланишни янада такомиллаштириш, илмий-тадқиқот

ишларини ривожлантириш Ўзбекистон Илмий-техника ва тиббиёт хужжатлари миллий архивининг 2021 йил давомида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифаларидан бири ҳисобланиши, бугунги кунда ушбу фаолиятни амалга ошириш мақсадида тегишли бўлимнинг 3 нафар ходими архив директори илмий раҳбарлигида катта лойиҳалар устида иш олиб бораётганлиги, жумладан, архив мутахассислари томонидан тайёрланаётган мақолаларнинг илмий салоҳиятини яхшилаш, мақолалардаги танланган мавзулар архив хужжатларидаги фактлар асосида ёритилишига алоҳида эътибор қаратилаётганлиги, бунинг натижаси ўларок чоп этилаётган барча мақолалар архивда сақланаётган хужжатлар асосида ёзилаётганлигини таъкидлаб ўтди.

Хужжатлардан фойдаланишни ривожлантириш ва илмий маълумотнома аппаратини такомиллаштириш архивнинг доимий равишда устувор вазифалари сифатида архивнинг шу кунгача фойдаланишда бўлган (1991 йилда чоп этилган) йўлқўрсатгичи қайта тўлдирилиб, янги таҳрирда нашрдан чиқарилганлиги, Архив хужжатларидан фойдаланган ҳолда мақолалар чоп этиш ривожлантирилганлиги, хужжатларни эълон қилиш ишлари яхшиланиб, бунинг натижасида жорий йилда архивда сақланаётган хужжатлардан фойдаланишда тадқиқотчилар сонининг ўсгани ҳақида сўз юритди.

2021 йил бошидан буён илмий фаолият билан шуғулланаётган ходимлар томонидан 2 та халқаро, (“Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси ҳамда бир қатор ташкилотлар томонидан ташкил этилаётган “Марказий Осиё халқлари тарихи ва хотирасида Иккинчи жаҳон уруши: воқеалар, иштирокчилар, рамзлар” мазусидаги халқаро илмий-амалий конференция, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси томонидан ташкил этилган “Central Asia-2021” халқаро конференция) 4 та Республика миқёсидаги конференцияларда иштирок этилиб, архив хужжатлари асосида ёзилган 8 та илмий мақолалар ушбу конференциялар тўпламига тақдим қилинганлиги, 1 та халқаро, 4 та Республика миқёсидаги конференцияларда маърузалар билан иштирок этилганлиги таъкидланди.

Шу билан бирга, жорий йил архивда илмий фаолиятни ривожлантириш, архивда сақланаётган фондларни таҳлил қилиш мақсадида “Ўзбекистон кишлок хўжалигини ривожлантириш босқичлари тарихини ўрганиш – архив хужжатларида” номли илмий иш устида илмий ходимлар иштирокида мавзунини ёритиш бўйича иш олиб борилаётганлиги, бугунги кунда архивда кишлок хўжалиги соҳаси тарихига оид хужжатлар сақланаётган жами 12 та фондлар тартибланиб, таҳлил қилинганлиги ва рўйхатлари шакллантирилганлиги айтиб ўтилди. Бу ишлар натижаси юзасидан тайёрланган маълумотлар асосида 2 та илмий мақола нашр қилинганлиги, аҳамиятли томони ушбу мақолалар архивда сақланаётган алоҳида қимматли хужжатлар ва уларда берилган фактлар асосида ёзилганлиги таъкидланди.

Хужжатларни нашр этиш ва улардан фойдаланиш ишлари бўйича ҳисобот даврида 12 та мавзули сўров, 9 та архив хужжатлари асосида кўргазма, 9 та мақола, 6 та архив бўйлаб қизиқарли экскурсия ташкил этилганлиги, ҳисобот даврида архивда ва пойтахтимизда ташкил этилган тадбирларда иштирок этилиб, 1 та телекўрсатув ва 7 та радиоэшиттириш эфирга узатилганлиги айтиб ўтилди.

Хужжатларни эълон қилиш ва архив фаолияти очиқлигини таъминлаш мақсадида пойтахтимизда фаолият олиб бораётган “Наврўз ФМ” радиоканали билан мунтазам ҳамкорлик йўлга қўйилиб, йил давомида ҳамкорликда архив хужжатлари ва фаолияти тўғрисида, шунингдек, соҳада олиб борилаётган ислохотлар кенг ёритиб борилаётганлиги, жорий йилнинг июнь ойидан бошлаб

Республикамиздаги таникли “Маҳалла” радиоканали билан ҳамкорлик йўлга қўйилганлиги, шу билан бирга, турли даврий нашлар ва илмий журналларда мақолалар нашр қилиш сифатига алоҳида эътибор бериб борилаётганлиги ҳақида сўз юритди.

Ўзбекистон Кинофотофоно ҳужжатлари миллий архиви директори в.б. М.Мирзаахмедов ўз ҳисоботида: “Фоно ҳужжатларни рақамлаштириш бўйича услубий қўлланма”, “Шиша асосдаги фото ҳужжатларни рақамлаштириш бўйича услубий қўлланма”, “Ўз КФФХ МАда ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича тавсиялар”, “Давлат архивларининг ўқув залларида тадқиқотчиларнинг ишлаш қоидалари”, “Фотоальбомларни реставрация қилиш бўйича услубий қўлланма”, “Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан ғалабанинг 75 йиллигига бағишланган “Иккинчи жаҳон уруши даврида Ўзбекистон халқининг жасорати ва инсонпарварлиги” мавзусидаги Халқаро илмий-амалий конференциянинг ташкил этилиши ҳамда конференция материалларининг электрон тўплами”, 2020 йил Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йилига бағишланган ҳужжатли ва илмий-оммабоп фильмларнинг кинофестивали ташкил этилганлиги, Оғзаки тарихни яратиш бўйича концепция ишлаб чиқилганлиги, “Ўзбекистон Республикасида давлат тилида иш юритишни ташкил этиш ва олиб бориш бўйича услубий қўлланма”, “Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 75 йиллиги”га бағишланган “Халқнинг абадий хотирасида” номли электрон тўплам” каби илмий ҳужжатлар ишлаб чиқилганлиги, мазкур ҳужжатлар иш фаолиятида, турли кўргазма ва тадбирларда кенг фойдаланиб келинаётганлиги ҳақида сўз юритди.

Шунингдек, 2020 йилда республикада коронавирус (Covid-19) пандемияси кенг тарқалган бир шароитда ишлаб чиқилган соҳага оид илмий тўплам ва қўлланмаларни чоп этишда моливий маблағ билан таъминлаш муаммолари юзага келганлигини таъкидлаб ўтди.

Ўзбекистон Миллий архиви директори ўринбосари А.Махкамов ўз ҳисоботида: Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлиги тизимида давлат архивлари томонидан кўрсатиладиган пуллик хизматларнинг ягона нархномасини қўллаш бўйича услубий қўлланма ишлаб чиқилганлиги ҳамда “Давлат тилида иш юритиш” методик қўлланмаси ишлаб чиқилганлиги ва ЎЗР ФА Тарих институти томонидан нашрга тайёрланганлигини таъкидлаб ўтди.

Шунингдек, Миллий архив томонидан 2 та конференция: 9-июнь “Халқаро архивлар куни” ва “Архив иши тўғрисида”ги Қонуннинг 11 йиллигига бағишлаб “Ўзбекистонда архив соҳаси ривожланиши истиқболари ва илмий амалий тадқиқотлар” мавзусида республика илмий-амалий конференция, Мустақилликнинг 30-йиллигига бағишлаб “Мустақил юрт архивлари: муаммо ва ечимлар” номли республика илмий-амалий конференция ўтказилиб, электрон тўплам тайёрланганлиги таъкидлаб ўтилди.

Архив ҳаёти ва унда сақланаётган ҳужжатлар асосида 4 та мақола чоп этилганлиги, шунингдек, архив хизматларининг (ўқиганликни тасдиқлаш, иш стажини тасдиқлаш, иш ҳақини тасдиқлаш, араб алифбосида яратилган туркий, форсий ва арабча ҳужжатлардаги ахборотлар бўйича аннотация маълумотномалари) регламенти лойиҳаси ўзбек ва рус тилларида тайёрланганлиги айтиб ўтилди.

Ўзбекистон Миллий архивида архив ишини бошқаришни янада такомиллаштириш бўйича “Ўзбекистон Миллий архивининг 2020-2022 йиллар учун мўлжалланган Жамоа шартномаси рус тилидан ўзбек-лотин алифбосига

ўғирилганлиги, Ўзбекистон Миллий архиви Низоми, бўлим Низомлари ва лавозим йўриқномалари лотин алифбосига ўзгартирилганлиги, Ўзбекистон Республикаси давлат архивларида ёнғин хавфсизлиги қоидалари ишлаб чиқилиб, тегишли идоралар билан келишилганлиги, “Ўзбекистон Миллий архивида Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича тадбирлар режаси” рус тилидан ўзбек тилига ўғирилганлиги, Мустақиллигимизнинг 30 йиллигига бағишлаб “Истиклол” мажмуаси концепцияси лойиҳасини ишлаб чиқиш юзасидан саволномага тавсиявий жавоблар тайёрланиб тақдим этилганлиги, Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлиги ва Қирғизистон Республикаси Адлия вазирлиги ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битимга таклифлар берилганлиги, “Ўзбекистон Миллий архивининг фуқаро муҳофазаси тузилмалари тўғрисидаги Низоми” қайта ишлаб чиқилиб, тасдиқлаш учун ФВВга юборилганлигини таъкидлаб ўтди.

7. “Ўзархив” агентлиги директори У.Юсуповнинг Ўзбекистон миллий архивларида илмий-тадқиқот ишларининг олиб борилиши ҳақидаги ахбороти, хусусан:

2019-2020 йиллар давомида миллий архивлар томонидан илмий ишланмалар тайёрлаш ва эълон қилиш ишлари сусткашлик билан олиб борилганлиги, жумладан,

Миллий архивларда жами **23 нафар** ходим бевосита илмий нашр ва илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланиб келаётганлиги, уларнинг **11 нафари** соҳа бўйича, **12 нафари** бошқа соҳа бўйича олий маълумотли ва **3 нафари** ўрта-махсус маълумотли ходимлар ҳисобланиши, илмий нашр ва илмий-тадқиқот ишлари бўйича фаолият юритувчи жами ходимларнинг **3 нафари** илмий унвонга эга эканлиги **маълумот учун қабул қилинсин**.

8. Шу билан бирга, Ўзбекистон миллий архивлари томонидан 2019-2020 йил учун берган ҳисоботлари ва 2021 йил режасининг I чорак таҳлилига кўра, архивларда эҳтиёж мавжуд бўлган илмий ишланмалар, илмий-тадқиқот ишлари тайёрлаш борасида олиб борилаётган ишларнинг **қониқарли ташкил этилмаганлиги алоҳида кўрсатиб ўтилсин**.

9. Ўзбекистон миллий архивлари директорлари:

2021 йилга мўлжалланган Илмий-нашр ва илмий тадқиқот ишлари режаси (4-ДА)ни қайта кўриб чиқсинлар ва бунда соҳага доир илмий ишланмалар тайёрлашга, хусусан, долзарб мавзуларга алоҳида эътибор қаратсинлар;

архив иши ва иш юритиш соҳасидаги долзарб мавзуларга бағишланган илмий-тадқиқот мавзуларини ишлаб чиқиш ва олий таълим муассасалари магистрант ва докторантларига тадқиқот мавзуси сифатида тавсия этиш ишларини жорий этсинлар;

соҳада фаолият юритаётган илмий ходимлар ва илмий унвонга эга бўлган ҳамда илмий унвонга даъвогарлик қилаётган ходимларга тегишли шароитлар яратиб бериш чораларини кўрсинлар;

Инновацион лойиҳалар устида иш боришни йўлга қўйсинлар, тасдиқдан ўтмаган мавжуд ишларни қайта кўриб чиқсинлар ва жиддий ишлов берган ҳолда қайта тасдиқ учун тегишли идораларга тақдим этиш чораларини кўрсинлар.

10. Илмий кенгаш раиси У.Юсупов кенгаш аъзоларидан бугунги кунда соҳада олиб борилаётган илмий фаолият бўйича қўшимча таклиф ва мулоҳазалар бўлса билдириб ўтишларини таъкидлаб, сўз берди.

Илмий кенгаш аъзоси З.Рахмонкулова томонидан Илмий ишларда иккита муассаса номини қўйиш таклифи билдирилиб, бунда Олий таълим муассасаси ва

ташкilot ўртасида ҳамкорлик асосида ҳимоя ишларини ташкил этиш масалалари назарда тутилди.

Илмий кенгаш аъзоси Д.Кучарова томонидан Ташкilotлар ўртасида ҳамкорлик асосида соҳавий норматив ҳужжатлар (идоравий архив низоми, йиғмажилдлар номенклатураси, иш юритиш йўриқномаси, МЭЖ тўғрисидаги низоми)ни ишлаб чиқиш ва келишиш бўйича кўрсатилаётган архив хизматларини пуллик хизматлар таркибига киритиш, мазкур фаолият билан “Ўзархив” агентлиги ҳузуридаги Архив иши ва иш юритиш бўйича малака ошириш илмий-методик маркази шуғулланиши, бу учун эса етарли мутахассислар ва уларга зарур шарт-шароитлар яратилиши лозимлиги таъкидлаб ўтилди.

11. Илмий тадқиқот ишлари ҳамда соҳавий норматив ҳужжатлар юзасидан кенгаш аъзолари томонидан билдирилган таклифлари ва ахборотлари **маълумот учун қабул қилинсин.**

12. Илмий ишларда Олий таълим муассасаси ва Агентлик ўртасида ҳамкорлик асосида ҳимоя ишларини ташкил этиш, Ташкilotлар билан ҳамкорлик асосида соҳавий норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва келишиш бўйича хизматларни пуллик хизматлар рўйхатига киритиш, шунингдек, Агентлик ҳузуридаги Архив иши ва иш юритиш бўйича малака ошириш илмий-методик марказига (М.Норкулов) соҳага оид норматив ҳужжатлар билан шуғулланаётган мутахассислар учун етарли шароитлар яратиш чораларини кўриши юзасидан билдирилган таклифлар **маъқулансин.**

13. Мазкур Илмий кенгаш баёнида белгиланган вазифаларни бажарилишини назорат қилиш Агентлик директори ўринбосари Ш.Садиковга юклатилсин.

Йиғилиш баёнини тузувчи:  
Илмий кенгаш котиби

А.Файзуллаев